

Ислон тараққиёт банки қишлоқларни ривожлантириш учун маблағ ажратади



12:20 / 01.04.2024 1716

2024-2028 йилларда Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг 21 та туманида қишлоқлар инфратузилмаси яхшиланади. Бунинг учун Ислон тараққиёт банкидан 20 йил муддатга 260 миллион долларлик имтиёзли қарз жалб қилинмоқда.

Президент «Ислон тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Ислон тараққиёт банкидан 20 йил муддатга 260 миллион долларлик

имтиёзли қарз жалб қилинмоқда. Қарз маблағлари ҳисобидан 2024-2028 йилларда Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг 21 та туманида қишлоқлар инфратузилмаси яхшиланади.

Лойиҳа доирасида 20 мактаб (19 таси Самарқандда), 14 боғча, 10 та оилавий шифокор пункти (барчаси Самарқандда) қурилади, 200 км ичимлик суви, 368 километр электр тармоғи тортилади, 53 та трансформатор ўрнатилади.

Қарийб 330 километр йўл инфратузилмаси яхшиланиб, бунинг учун 717 миллиард сўм сарфланади.